

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖИНОЯТГА ОИД
МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Юлбарсов Диёрбек Дониёрбек ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси 3-ўқув курси
курсанти*

Аннотация: *Ушбу мақола орқали Сиз, жиноятга оид мурожатлар билан боғлиқ ХП чора-тадбирини амалга ошириш фаолиятини такомиллаштириш бўйича тушунчалар, умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимолик профилактика чора-тадбирларининг бугунги кундаги ҳолати, ХП чора-тадбирларини амалга ошириш фаолиятини ташкил этиш бўйича бошқа хорижий давлатларнинг илғор хорижий тажрибаси ҳамда миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшаш томонлари, шунингдек, юқорида келтириб ўтилган жиҳатлари фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари бўйича билиб олишингиз мумкин.*

Калит сўзлар: *жиноят, мурожаат, ҳуқуқбузар, профилактика, умумий, махсус, якка.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида еътибор қаратилмоқда. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, ел-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун” деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва ушбу мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги 2017 йил 11 сентябр кундаги қонуни билан тартибга солинади.

Бироқ, қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик-процессуал, жиноят процессуал, жиноят ижроия, хўжалик-процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга ҳамда давлат

органларининг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан тадбиқ етилмаслиги кўрсатиб ўтилган. Аммо шунга қарамадан, профилактика химати томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мазкур йўналишдаги муурожаатларига оид фаолиятининг ҳам қисқача мазмунини ёритиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Мазкур қонунда Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахслари билан бирга, хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслари ҳам Ўзбекистон Республикаси давлат органларига муурожаат етиш ҳуқуқига егаллиги кўрсатиб ўтилган.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан қилинадиган муурожаатларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Ариза – ҳуқуқларни, еркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён етилган муурожаат;

Таклиф – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган муурожаат;

Шикоят – бузилган ҳуқуқларни, еркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён етилган муурожаат.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари оғзаки; ёзма; электрон шаклларда бўлиши мумкин.

Оғзаки шаклдаги муурожаатлар одатда, ички ишлар идораларида юритиладиган махсус китобларда (масалан, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида юритиладиган «Фуқароларнинг муурожаатларини қайд қилиш» китобида) ёки оғзаки муурожаатни қабул қилиш баённомаси каби ҳужжатларда қайд етилади.

Профилактика инспектори жиноятга оид муурожаатларни кўриб чиқишда, муурожаат яъни ариза навбатчилик қисмида қайд етилиб тартиб рақами берилганидан сўнг терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси сифатида терговга қадар текширувни амалга оширади. Жиноят ва ҳодисаларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

1) оғзаки – муайян ходим қабулида тақдим қилинган, била туриб ёлғон хабар берганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилиб, баённома расмийлаштириш орқали қабул қилинган оғзаки ариза, хабар ва бошқа маълумотлар, шунингдек реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган қабул вақтидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар;

2) телефон орқали – давлат органларининг, ташкилотларининг “ишонч телефони”га ёки навбатчи қисм телефонига келиб тушган ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ариза, хабар ва бошқа маълумотлар;

3) ёзма – шахсан ёки вакил орқали топширилган, почта ёки фелдегерлик хизмати орқали юборилган ариза, хабар ва бошқа маълумотлар;

4) электрон – электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг идентификация қилиш имконини берадиган реквизитларга ега,

белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида юборилган ариза, хабар ва бошқа маълумотлар, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштириладиган ариза, хабар ва бошқа маълумотлар;

5) оммавий ахборот воситаларининг хабарлари.

Жисмоний шахс ёки юридик шахснинг вакили, шу жумладан хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар жиноят ва ҳодисаларга оид ариза, хабар ҳамда бошқа маълумотларни оғзаки, ёзма, телефон орқали ёки электрон шаклда беришлари мумкин. Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъий назар, бир хил аҳамиятга ега.

Ёзма мурожаат мурожаат етувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат етувчи юридик шахс раҳбарининг ёхуд ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат етувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак. Жиноят ва ҳодисаларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар вакил орқали тақдим етилган тақдирда, ҳужжатларга вакилнинг ваколатларини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши талаб қилинади. Мурожаатлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, профилактика инспекторлари жиноятга оид мурожаатларни қабул қилишда мурожаатнинг қандай шаклда экани, мурожаатларни қабул қилиш ва қайд етиш тартиби, мурожаатни кўриб чиқиш муддати каби қоидаларни билиши, келгуси фаолиятда улар томонидан қонун бузилиши ҳолатларини бартараф етишга хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Черепанов А.В., Магденко А.Д. Организация деятельности участкового уполномоченного милиции: учебник. – Челябинск, 2006. – С. 63.
2. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов. Ҷ Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. Ҷ 4 б.
3. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма / И. Исмаилов, Д. М. Миразов, Ж. С. Мухторов ва бошқ.; проф. Ў. Ҳ. Муҳамедовнинг умумий таҳрири остида. Ҷ Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. Ҷ 52 б.
4. Аванесов Г.А. Криминология и социальная профилактики. ҶМ. 1980. ҶС. 459; Криминология общая часть. ҶМ. 2002. ҶС. 144.

5. Миньковский Г.М. Предмет криминологической профилактики преступлений и некоторые проблемы её эффективности. М. 1976. С.12-13.
6. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. Т.: ТДЮИ, 2005. 23 б
7. Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология. Дарслик. Т., 1996. 155 б.
8. Административная деятельность органов внутренних дел. Часть особенная. Издание 2-е: Учебник / Под ред. проф. А.П. Коренева. – М.: МЮИ МВД России. Щит-М, 1999. – С. 70.
9. Алексеев А.И. Криминология: Курс лекций. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Щит-М, 2000. – С.138.